

## Зинога қарши мурасасиз чоралар



11:00 / 15.02.2021 3598

Ислом зинога қарши мурасасиз чораларни кўриб қўйган. Бунда, энг аввало, инсонларни ёшликдан Аллоҳдан қўрқиш, Қиёмат куни масъулиятини ҳис этиш, ҳалол-пок яшаш руҳида тарбиялайди. Қолаверса, зино ҳаром иш, катта жиноят эканига урғу бериб, ҳар бир одам фарзандини ундан узоқда бўлишга даъват қилади. Ислом эркак ва аёлларга шахватларини қондиришнинг ҳалол йўли бўлган никоҳни қаттиқ тарғиб қилади ва унинг рўпарасидаги ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлайди, осонлик билан никоҳли бўлиш йўллари тайёрлайди. Ҳаттоки, қул ва чўриларнинг ҳам никоҳсиз юрмасликларига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга, Ислом зинога олиб борадиган барча йўллари беркитади. Мисол учун, аёлларни очиқ-сочиқ ҳолда юриб, жамоли ва қомати билан эркакларнинг шахватини қўзғатмасликка буюради. Номаҳрам эркак ва аёлларнинг аралаш-қуралаш бўлиб юришларини ман қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, агар бир номаҳрам эркак ва хотин ёлғиз қолсалар, учинчилари шайтон бўлади, деганлар.

Яъни, уларни йўлдан уриб, зинога бошлаши мумкин. Шунингдек, Исломда эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам номаҳрамларга шахват назари ила қарашлари ҳаром қилинган. Бинобарин, фаҳш гап-сўзлар, ҳикоялар ва қиссалар ҳам ман этилгандир. Шунча омилларни босиб ўтиб, яна зинога юришни ўзига эп кўрган инсоннинг инсонлиги қоладими? Унинг боридан

йўғи яхши эмасми?! Бундай одамлар инсоният танасига тушган қорасон касалига ўхшайди. Улар аста-секин танани ҳалокатга олиб боришлари аниқ-ку! Бутун танани ҳалок қилгандан кўра, қорасон касали теккан аъзонинг ўзини кесиб ташлаган маъқул эмасми? Албатта, ана шундай қилган маъқулдир. Оила қурган, никоҳда бўлган эркак ва аёллар араб тилида «муҳсон» деб аталади, улардан зино қилганларни тошбўрон қилиш жазоси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан собит бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўпгина ҳадисларида никоҳда бўлиб, оилавий турмуш қурган кишилар томонидан зино собит бўлса, уларни тошбўрон қилишга ҳукм чиқарганлари, ҳукмнинг ижросида ўзлари ҳам иштирок этганлари айтиб ўтилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобалар ва мусулмонларнинг барча авлодлари бу ҳукмга оғишмай амал қилиб келганлар. Бу ҳақдаги ҳадислар ва қиссалар ўрни билан зикр қилинади. Демак, ҳаром йўл билан содир этилган жинсий яқинлик шаръий-қонуний таърифга тўғри келгандагина зино ҳисобланиб, уни содир этган шахс уйланмаган бўлса, юз дарра уриш, уйланган бўлса, тошбўрон жазосига тортилади. Шу ўринда, жинсий жиноят қилган-у, аммо таърифга мос келмайдиган бўлса, нима қилинади, деган савол туғилади. Бундай ҳолатларда таъзир берилади. Яъни, ҳар бир замоннинг мусулмон ҳокими шароитга, мавжуд ҳолатга қараб, таъзирли жазо белгилайди. Агар дарра уриш билан таъзир бермоқчи бўлса, ўн даррадан оз бўлиши керак. Чунки Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўн даррадан кўп урилмайди. Магар Аллоҳнинг ҳадди (белгилаган жазоси) бўлсагина урилади»**, деганлар.

Таъзир банда томонидан белгиланадиган жазо бўлгани учун ўн даррадан ошмаслиги керак. Шунингдек, зинога белгиланган жазо бу жиноятни ихтиёрий равишда содир этган шахсга нисбатан қўлланилади. Зўрланган аёлга жазо берилмайди. Исломда умуман мажбур қилиш орқали содир этилган жиноятлар узрли ҳисобланади.

Имом Термизий Воил ибн Ҳажардан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир аёл намозга келаётганида, бир эркак йўлини тўсиб, уни зўрлади. Хотин дод солди. Эркак қочиб кетди. Бир гуруҳ муҳожирлар етиб келишган эди, аёл, анави одам мени ундай қилди, бундай қилди, деб айтиб берди. Эркакни тутиб келтиришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлга: «Сен кетавер, Аллоҳ сени мағфират қилди», дедилар. Уни зўрлаган эркакни эса, тошбўрон қилишга буюрдилар». Эри йўқ аёл ҳомиладор бўлиб қолса ҳам,

зино қилган деб ҳисобланмайди. Унга дарра урилмайди, тошбўрон ҳам қилинмайди. Модомики ўзи иқрор бўлмаса ёки гувоҳлик ила исбот қилинмаса, уни зинокор дейишга изн йўқ. Гарчи эрсиз аёлнинг ҳомиладор бўлишининг ўзи кучли далил бўлса ҳам, лекин мингдан бир эҳтимол билан унинг бачадонига нутфа зинодан эмас, бошқа сабабдан тушиб қолганлиги гумони устун қўйилади. Ўзининг маҳрамлари билан зино қилган одамни ҳукумат қаттиқ таъқиб қилади.

Имом Абу Ҳанифа розияллоҳу анҳу: «Бундай кишиларга зинокорнинг жазоси берилади. Агар маҳрамини никоҳлаб олган бўлса, аламли азоб-ла азобланади», деганлар.

Буларнинг ҳаммасини билганимиздан кейин бугунги кунимизга ўтамыз. Бугунги кунимизда турли сабабларга биноан зинокорни қатл қилишга амал тўхтаган. Яъни, мусулмонлар бунга амал қилмай қўйганлар. Шунинг учун бугун бошқа юртларда ҳам бу саволга, ҳозир амал йўқ бўлгани туфайли зинокор тавба қилади деган жавоб берилади. Кўпроқ бу саволни зинокорлар беришади. Бу каби ҳукмларни ҳукуматлар амалга ошириши керак. Ҳар ким ўзича қилишга рухсат йўқ. Шу сабабдан юқорида айтилган вазият юзага келган.

**Манба:** [savollar.islom.uz](http://savollar.islom.uz)

***Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ.***